

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 7 АВГУСТ, СЕШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР


Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 150 (10.959)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар



КУНИ КЕЧА ШАҲРИМИЗНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ ВА ХУШМАНЗАРА МАСКАНЛАРИДАН БИРИ — ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИГА ТАШРИФ БУЮРГАНЛАР ЧИНАКАМИГА ХАЛҚ САЙЛИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИЛАР. МЕҲРОҚИБАТ, ҚУВОНЧУ ШОДЛИК, КАТТАҒА КИЧИККА БИРДЕК ИЗЗАТ-ҲУРМАТ КЎРСАТИЛГАН УШБУ ДАВРАДА «МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ» НАҚЛИНИНГ ИСБОТИ БЎЙ КЎРСАТИБ ФИДОЙИ, ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНЛАР ДАВРА ТҮРИДАН ҲУРИН ОЛДИ.

Маҳалла куни

ЖОНКУЯР ВА ҒАОЛЛАР ҚУТЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан Республикадаги Мустақиллигининг 16 йиллиги ва «Маҳалла» жамғармаси ташкил топанлигининг 15 йиллигига бағишлаб ташкил этилган анъанавий «Маҳалла куни» байрамнинг пойтахт босқичи миллий қадрият, урф-одат, анъана ва расму-адобларимиз, каттага ҳурмат, кичикка изза-т кўрсатиш, ўзаро ҳамқору ҳамфирқ бўлиш, беҳимнат ёрдам бериш, яхши қўшничилик каби асрлардан асрларга ўтиб келаётган, фақат маҳаллага хос бўлган бебаҳо бойлигимиз — тинчлик-товушлик, ўзаро бағрикенгликнинг бардавом эканлигини кўрсатиб барча қатнашчилар қалбини шодлигига завқ-шавққа тўлдирди.

Тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Нисомиддин Бахтиёров, ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Анвар Аҳмедов, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Раҳимжон Нодиров ва бошқалар ўз сўзларида ноёб тузилма ҳисобланмиш маҳалла тарихи, унинг халқимиз қони ва жонига сингиб кетганлиги, Истиқлол йилларида ўзини ўзи бошқариш ти-

зимига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, халқимизнинг энг олижаноб, инсоний фазилатлари унда намоён экани ва йилдан йилга нуфузи, жамият ва давлат олдидаги мавқеи тобора юксалаётгани ҳақида алоҳида тўхталишиб, барча маҳалла фаоллари, тадбир иштирокчиларини «Маҳалла куни» байрами билан самимий муборакбод этдилар.

Шунингдек тадбирда йил бўйи ўз маҳалласининг ривожланиши, обод ва орас-та бўлиши, одамлар бошини қовуштириб тинчлик-товушликнинг сақланишига муносиб ҳисса қўшган захматқаш инсонлар «Энг намунали маҳалла», «Энг обод маҳалла», «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликни йўлга қўйган намунали маҳалла раиси» каби 9 та номинация бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг ғолиблари аниқла-ниб, қўмнатбаҳо соғвалар, диплом ва Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Куй-қўшиққа уланган даврада ўз қувон-чу шодлигини маҳалладошлар даврасида нишонлаётган бир гуруҳ ғолибларнинг дил сўзларини қозоғга туширдик.

«Фотиҳ ака Аскарлов, «Хувайдо» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:
— Менинг камтарона меҳнатим Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Фахрий

ёрликқа муносиб деб топилган экан, шундай улуғ кунларда бир ғайрат эмас, ўн ғайрат билан ишлагинг келади. Албатта бу фирқар биланга менинг эмас, балки барча фахр қатнашчиларининг кўнгилдан ўтаётган бўлса ажаб эмас. Мақсадимиз — элу юртимизга хизмат қилиш, тинчлигимизни сақлашга ҳисса қўиш, халқимиз омонлиги, оилаларимиз фаровонлиги йўлида камарбаста бўлиш.

«Собит ака ИММОВОВ, «Кўчқа-Оқтепа» маҳалласи раиси, «Энг намунали маҳалла» номинацияси ғолиби:

— Меҳнатинг кадр топса, мушқули осон бўлган инсондан биргина «раҳмат, оқсоқол» деган илик қаломни эшитсанг бошинг осмонга етди. Ахир дунёда инсонларга яхшилик қилиш, қўқилган одамга беҳимнат ёрдам бериш, мушфиқ кўнгилларга тир-гак бўлишдан ҳам ортиқ бахт борми. Ғолиблар сафида бўлиш эса юракда фахр, ғурур, янада яхшироқ ишлаш каби ҳис-ларни уйғотди. Барчага байрам муборак.

Шаҳризода МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Маҳалла куни» байрами-дан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган суратлар



(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ: ЎЗБЕКИСТОН — ФИДОЙИ ВА ҒАЙРАТЛИ ИНСОНЛАР ВАТАНИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА МИСР ХАЛҚЛАРИ ҲАМКОРЛИК ҲАҚИДАГИ ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАРИХИ УЗОҚ АСРЛАРГА БОРИБ ТАҚАЛАДИ. АҲМАД АЛ-ФАРОНИЙ КАБИ БУЮК БОБОКАЛОНЛАРИМИЗ ДАВРИДА ШАКЛЛАНГАН ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ВАТЕНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН СЎНГ ЯНГИЧА МАЗМУН-МОҲИЯТ КАСБ ЭТДИ.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мух-бири Миср Араб Республикасининг мамлакатимиз-даги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нодия Ибро-ҳим КАФФОФИЙ хоним билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил апрель ойида Миср Араб Рес-публикасида расмий ташрифидан сўнг икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар қандай ривожланмоқда?

— Жорий йил март ойида Миср Араб Респу-бликасининг халқаро ҳамкорлик вазири Фойза Абунажо хоним Ўзбекистонга келди. Ушбу ташриф давомида қўл-лаб ҳужжатлар имзоланди, икки томонлама муносабатлар билан боғлиқ талай масалалар муҳокама қилинди. Бу катта саммитга ўзига хос тайёргарлик эди. Сўнгра жуда

рашуви бўлиб ўтди. Улар савдо-иқтисодий ва сармоя-вий ҳамкорликка оид ўзларини қизиқтирган барча ма-салаларни ишчан кайфиятда муҳокама қилиб, ўзаро ман-фаатли қелишувларга эришдилар.

— Ўзбекистон ва Миср ишбилармонлари ҳамко-рлигининг истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

— Мисрда Ўзбекистонга сармоя киритишга катта қизиқиш билдираётган ишбилармонлар кўп. Юртингиз-да мисрлик тадбиркорлар эътиборини тортадиган со-ҳалар анчагина. Хусусан, тўқимачилик соҳаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шунингдек, кўнчилик соҳасида Ўзбекистонда аъло сифатли хомашё бор. Мамлакатимизда маҳаллий хо-машёдан чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришга икти-сослашган қўшма корхоналар очиш икки томон учун ҳам фойдали.

Фармацевтика соҳасида ҳамкорликни ривожлан-тириш борасида ҳам музокаралар олиб борилмоқ-да. Мисрнинг бир неча компанияси Ўзбекистон бил-ан бу соҳада яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш ни-ятида.

Мисрда эса ўз навбатида куёш энергиясидан фой-даланиш борасида Ўзбекистон тажрибасини ўзлашти-ришга қизиқиш катта.

— Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик ва тажриба ал-машув қандай йўлга қўйилган?

(Давоми 3-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Осиё тарақ-қиёт банки ҳамкорлигида тиббий кўмакка муҳтож болалар учун умумий таълимни ри-вожлантиришга оид лойиҳа ижросига ба-ғишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда лойиҳа ижросини таъминлаш бўйича ама-лий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

● Урганчда «Маҳаллий вакиллик органла-ри фаолиятини такомиллаштириш масала-лари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда халқ депутатлари кенгашлари фаоли-ятини такомиллаштириш, сиёсий партиялар-дан маҳаллий кенгашларга сайланган деп-утатларнинг билим ва ишчанлигини оши-риш, жойларда фуқаролар йиғинлари раис-ларининг обрўсини кўтариш, оила ва никоҳ, қонунчиликни кенг тарғиб қилиш масала-лари муҳокама этилди.

● Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ички иш-лар бoshқармаси ва «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими Мустақиллик байрами олдида хай-рли ишга қўл урди. Вилоят туманларида яшовчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларда истиқомат қилувчи, шу-нингдек, болаликдан ногирон 105 нафар йи-гит-қизга тантанали равишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти топши-рилди.

● Андижон шаҳрида Халқ таълими вазир-лигининг кенгайтирилган кўмака хай'ат йи-гилиши бўлиб ўтди. Тадбир қатнашчилари ҳомийлар томонидан таъмирланган Асака ва Қорасув шаҳарлари, Андижон ҳамда Қўрғон-тепа туманларидаги бир неча мактаб ҳамда болалар спорт мажмуаси, соғломлаштириш оромгоҳи фаолияти билан яқиндан тани-шишди.

● Урганч шаҳридаги «Хоразм» ва «Дина-мо» спорт мажмуаларида Халқ таълими ва-зирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказила-ётган «Ёзги таътил — 2007» мусобақалари-нинг футбол бўйича республика финал бо-сқичи якунланди.

● Янги ўқув йили арафасида Бухоро шаҳ-ридаги «Дилқушо» АЖ ҳудудида анъанавий мактаб бозори очилди. Унда ўқувчилар кий-им-кечаклари, канцелярия ашёлари, папка-лар арзон нархларда сотилмоқда.

● Самарқанд туманидаги «Алпомиш» бо-лалар соғломлаштириш оромгоҳида халқ-аро «Экосан» ташкилоти, Табиатни муҳо-фаза қилиш давлат қўмитаси ва қатор таш-килотлар ҳамкорлигида «Мустақиллик, эко-логия ва халқ саломатлиги» шиори остида экофестиваль бўлиб ўтди.

● Бухоролик беш нафар уста АҚШнинг Санта Фе шаҳрида ўтган хунармандларнинг анъанавий халқаро кўرғазмасида қатнашди. Улар тайёрлаган маҳсулот ва буюмлар кўрғазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Танзанияда Суданнинг Дарфур му-зофотидаги исёнчи кучлар етакчилиги-дада Африка Иттифоқи ва БМТ мутасад-дилари иштирокида Дарфурда тинчликни таъминлаш юзасидан ўтказилган музока-ралар ниҳоятга етди. Ўтган йили тинчликни сақлаш тўғрисидаги ҳужжатга қўл қўйи-шдан воз кечган исёнчилар бу гал 2-3 ой ичида ўтказиладиган музокараларнинг сўнги босқичида қатнашиш истагини бил-диришди.

● Подмосковьедаги ҳарбий қисмларга Рос-сиянинг ракета мудофаасига мўлжалланган энг янги С-400 ракета тизимлари ўрнатил-ди. Унинг аввалги С-300 ракеталаридан 2,5 баробар кучли эканлиги таъкидланмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ янги тизимга Яқин Шарқ мамлакатлари ва Венесуэла томонидан кат-та қизиқиш билдирилмоқда.

● Кеча Болгариянинг жанубий-ғарбий қис-мида жойлашган Балгарчево қишлоғи яқинидаги газ ўтказгичда портлаш рўй бер-ганлиги сабабли «Газпром» компанияси Гре-цияга газ етказиб беришни вақтинчалик тўхтатди. Ҳозирда ушбу портлаш сабаб-ларини ўрганиш ва бартараф этиш ишлари кетмоқда.


● Буюк Британия ҳудудида кеча иккинчи фермада ҳам қорамол куйдиргиси касалли-ги аниқланганлиги сабабли карантин хола-ти эълон қилинди. Шу муносабат билан меҳ-нат таътилидан барвақт қайтган мамлакат Бош вазири Гордон Браун мавжуд аҳволни ўнглаш юзасидан барча чора-тадбирлар қўрилишини билдирди. Европа Иттифоқи, Украина ва Россия Буюк Британиядан мол гўшти олишни вақтинчалик тўхтатди.

● «Дальавиа» компаниясига қарашли «ТУ-214» самолёти Москва-Хабаровск йўнали-ши бўйича парвозни амалга ошираётган пайтда двигателларидан бирида юзага кел-ган носозлик туфайли Благовешинска кўн-ишга мажбур бўлди. Маълумотларга кўра, самолёт бортидаги 158 нафар киши-нинг ҳеч бири жабрланмаган. Ҳозирда но-созлик сабаблари аниқланмоқда.

● Италиянинг жанубида кучли ўрмон ёнғинлари яна бошланди. Хусусан, Колам-бри вилоятида ёнғин айниқса кучлидир. Бу ерда 1 киши ёнғин натижасида ҳалок бўлди. Тезлик билан тарқалаётган ёнғин Милан-Рим автйўлига ҳам яқинлашди.

● Эрон ҳарбийлари мамлакатда ишлаб чи-қарилган «Azagakhsh» қирувчи самолётни биринчи бор ошкора намоий этдилар. Маъ-лумотларга кўра, у Американинг «F-5» са-молётига асосланиб яратилган.

Маҳалла — ота-онани



— Маҳаллаларни таъбир жоиз бўлса ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва қадриятларимизнинг кўзгуси деб билмоқ керак. Чунки маҳаллалар ҳаётида халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатлари, меҳр-шафқат, мурувват, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар ўз аксини толган, — дея суҳбатни бошлади Раҳимжон ака. — Бугунги кунда маҳаллалар «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга биноан ўз ҳуқуқий мақомларига эга бўлиб, тўй-маърака маросимларини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, оилавий низоларни бартараф этиш, бемор, қаровчисни йўқ ва кам таъминланган оилалардан хабар олиш, уй-жойларнинг озодлигини таъминлаш, тартиб-интизом ва тинчлик-осойишталикни сақлаш, аҳоли ўртасида билим ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, ёшларнинг ўқиши ва касб-хунар эгаллаши каби бир қатор вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳаллаларнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида Юртбошимиз ҳам: «...Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан кунга охири бораётганини барчамиз кўриб турибмиз» деб бежизга таъкидламади.

— Раҳимжон Арипович, жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номлангани ва бу борада давлат дастури ҳам қабул қилингани маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар кўламига яна бир бора назар ташлаб, имкон борича аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ночор, камҳарж, ногирон, яқка-ёлғиз, нафақахўр, кўп болали оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратишга ундайди. Шундай экан шаҳар ва туман «Маҳалла» жамғармалари томонидан бу борада қандай ишларга қўл урилган?

— Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Ижтимоий ҳимоя йилида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, давлатимиз томонидан йўлга қўйилган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб бориш, маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар-

ни ҳаётга татбиқ этиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда ёш авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишларига зарур шароит яратиш каби бир қатор вазифаларни бажариб келмоқда.

Бу борада шахримиздаги 474 та (М.Улуғбек туманидаги 1 та шаҳарча) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томо-

Мусохаба

МАҲАЛЛАЛАРИМИЗ ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА

МАҲАЛЛА — МИНГ ЙИЛЛАРДАН БЕРИ РИВОЖЛАНИБ, ЯШАБ КЕЛАЁТГАН, МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР, РАСМ-РУСУМЛАР ВА АНЪАНАЛАР БАРДАВОМЛИГИ ЗАМИНИ, ИНСОНЛАРНИНГ БОШИНИ ҚОВУШТИРАДИГАН, УЛАРНИНГ ОФИР-ЕНГИЛ КУНЛАРИДА ЁНЛАРИДА ТИРГАК БЎЛАДИГАН ҚУТЛУГ МАСКАН. АСОСИЙСИ, АҲОЛИНИНГ АҲИЛ, ҲАМКОР ВА ҲАМДАРД БЎЛИБ ЯШАШИГА ИМКОН ЯРАТАДИГАН МУҚАДДАС ҒЎША. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УШБУ НОЁБ ТУЗИЛМАГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ОРТИ, УНИНГ МАВҚЕИНИ ТИКЛАШ, ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ НУФУЗИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛДИ. БИЗ ҲАМ ТОШКЕНТ ШАҲАР ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ ВА «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ РАИСИ РАҲИМЖОН НОДИРОВ БИЛАН СУҲБАТЛАШИБ, АЙНИ КУНЛАРДА «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР КЎЛАМИГА НАЗАР ТАШЛАДИ.

нидан нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида»ги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 майдаги 299-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича мўайян ишлар бажарилди. Ҳозирги кунга келиб пойтахтдаги 468 та маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритиб келмоқда. Уларга функционал вазифасидан келиб чиққан ҳолда ҳар кунги камиди 2 та оилани ўрганиши ва таҳлил қилиши вазифаси топширилган. 2007 йилнинг ярим йиллиги давомида шахримиз маҳаллалари маслаҳатчилари томонидан 93535 та оилалар ўрганилган бўлиб, таҳлил қилингани ҳолда уларнинг ижтимоий аҳолига кўра 9755 та оилага моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Тошкент шаҳри маҳаллаларидаги фуқаролар йиғини таркибда фаолият юритаётган яраштириш комиссиясининг мониторинг натижаларига кўра маҳалла томонидан яраш-

— Кейинги йилларда даб-дабали, кимўзарга ўтказилаётган тўйлар ҳақида гап-сўзлар чикиб қолди. Тўйлар ва бошқа оилавий маросимларни ихчамлаштириш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Маҳаллаларда тўй-ҳашамлар, маросимларни тартибли ўтказиш ҳамда дабдабазолик, исрофгарчиликка йўл қўймасликни таъминлаш мақсадида 2006 йилнинг ноябрь ойида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қўшма қарор қабул қилинди ва 2007 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси иш-лаб чиқилди. Маҳаллалардаги тўй комиссиялари фаолиятини жонлантириш ҳамда аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан суҳбатлар ўтказилди.

— Аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Жамғармамиз ва унинг туман бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 346 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга, уй-жойлари ёнигиндан

талафот кўрган фуқароларга, ҳамда фуқароларнинг соғлиғини тиклаш учун 13 миллиард 124 минг 200 сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари туман ҳокимликлари ва туман «Маҳалла» жамғармалари томонидан 371 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон оилаларнинг фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилиб берилди. Ушбу тадбирларга жами 30 527 000 сўм миқдорда маблағ сарфланди. Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги 16984 та яқка, ёлғизларга, ногиронларга, ётиб қолган қарияларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланган, кўп болали оилаларга ҳамда Меҳрибонлик, саховат ва мурувват уйлари, мактаб-интернатларга Наврўз байрами

риктирилган ва ҳафтанинг маълум бир кунларида уларнинг бепул қабул соатлари ташкил этилган.

Шунингдек, Тошкент шаҳри аҳолисининг уй-жой коммунал шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мулкдорларнинг ўзларига тегишли бўлган уй-жой фондини сақлашдаги ролини ошириш, кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳам бир қатор режалар иш-лаб олиб борилиб, ўз фаолиятларида яхши натижаларга эришган оқсоқоллар, уй ва йўлак бошилари рағбатлантирилиб, янада яхши ишлашлари-га имкон яратилмоқда.

— Айтингчи, маҳаллаларда истиқомат қиладиган вояга етмаганлар ўртасидаги турли ноҳўя ҳатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қандай эътибор қаратишмоқда?

— Асосий вазифаларимиздан яна бири — бу ёшлар билан иш-лаш, уларни тўғри йўлга солиш, бўш вақтларидан унумли фойдаланишларига ҳисса қўшиб уларнинг спорт билан шуғулланиб, касб-корли бўлишлари-га имконият яратишдир.

Бу борада жамғармамиз томонидан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси, «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази» билан ҳамкорликда бир қатор рейдлар ўтказилмоқда ва айрим ёшларнинг бекорчиликда юрмасдан фойдали юмушлар билан шуғулланишга жалб этилмоқда. Халқ таълими бош бошқармаси ва Ўрта махсус, касб хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ҳеч қерда ўқимасдан ва ишламасдан юрган маҳалла ёшларини ўқишга ёки ишга жойлаш, касб-хунар ўрганишлари-га кўмаклашиш, бўш вақтларини унумли ва сермазмун ўтказиш мақсадида шахримизда жойлашган спорт секциялари-га йўналтирилмоқда, «Устоз шогирд» тўғрақларига жалб қилинмоқда.

Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамда унинг туман бўлимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳомийлар томонидан ногирон ва ётиб қолган, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларидан 2965 нафарга жами 148 миллион 734 минг 500 сўмлик моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, совғасаломлар тарқатилди.

— Маълумки, фан-техника тараққиёти тобора илгариллаётган, ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида қадам ташланаётган ушбу замонда одамларнинг ҳуқуқий, тиббий, маънавий саводхонлиги ҳам юқори бўлиши керак...

— Дарҳақиқат, маҳаллаларимизда аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида «Ҳуқуқий маслаҳатхона»лар ташкил этилган ва ҳар бирига биттадан адвокат, Тошкент Давлат юридик институти домлалари ва талабалари би-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ҚЎМИТАСИДА «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШГА ТАЙЁРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган таърида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг вазирлиги иштирок этди.

Йиғилишда ушбу қонун лойиҳасининг мақсади-матли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш, муаллафа юритиш, сундириш ва бекор қилиш жараёнида муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги кидланди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қимматли қоғозлар бозори очиклигини вама-рали фаолият кўрсатишини, қимматли қоғозли бозорида инвесторлар ва қимматли қоғозлар эри-нинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш қса-дида назорат олиб бориш ва бошқариш тартибини белгилайди.

Йиғилишда қонун лойиҳасини янада такомил-лаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва фикр-муаза-лар билдирилди.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ҲАҚИДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИДА ТУРЛИ СОҲАЛАРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИГА БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ҲАММАНДА БЎЛ

Тошкент шаҳар тадбиркор ва ишбилармон лар жамоат бирлашмасининг етти юздан зиёд аъзобор. Уларнинг аксарияти мазкур бирлашма кўмагида биркорлик сир-асорини ўрганиб, ўз бизнесини йўлга қўйган.

Бирлашма томонидан ҳар ойда мунтазам раъда «Тадбиркорлик асослари» ва «Иқтисодийёт сабери» мавзуларида дастурий семинар-масгулотлар қил этилади. Тадбиркор аёллар ишлаб чиқарган ҳсу-лотларни ташқи бозорга олиб чиқиш, бозорди талаб ва таклифни ўрганиш ҳамда тадбиркорлик сьек-тлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўр-тиш учун кўргазмалар ташкил этиш ўз самарасини бер-моқда. Бундай тадбирларда хорижий давлатнинг ишбилармон аёллари ҳам иштирок этмоқда. Айпай-та, бирлашма аъзолари хорижда ўтказилаётган алқ-аро савдо кўргазмаларида ўз маҳсулотлари бил қат-нашмоқдалар.

Анжуманда ишбилармон аёлларда ходимларлан мулоқот олиб бориш, хорижий ҳамкорлар бил му-носабатларни шакллантириш, иш жараёнида юз ке-ладиган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ кик-маларни ҳосил қилишга оид масалалар бўйича кикр алмашилди.

ЎЗА

Иқтисодийёт

ХУШТАЪМ ВА ШИФОБАХШ

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР ОРАСИДА «НОЈ SAID» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР БОИСИ, КОРХОНАДА ҲАМШАҲАРЛАРИМИ ДАСТУРХОНАГА ЙИЛДАН-ЙИЛГА СИФАТЛИ ХАРИДОР ЭХТИЁЖ ВА ТАЛАБЛАРИДАН КИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА НОН ВА НОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЯНГИ-ЯНГИ ТУРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

2004 йилдан буён фаолият юритаётган мазк жа-моада бугунги кунда 35 нафар ишчи-хизматчилармеҳ-нат қилмоқда. Энг муҳими, корхона тадбирқари бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келчиқ-қан ҳолда изланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳсу-лот турларини оширишга катта эътибор қаратиқ-қда. Сифатига асосий эътибор берилган нонлар эме-тик қадоқланиб, савдо дўконларига чиқарилиги туйфайли мижозлар мамнун бўлмоқда. Нонлар дион-дориларга бой маҳаллий хом ашё — «Тошкентдмаҳ-сулотлари» компаниясидан келтириладиган жак та-лабларига жавоб берадиган ундан тайёрланмоқда.

Ушбу жамият цехларида Германия давлатидежел-тирилган ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни юк-сак унумли дастгоҳ, ускуна, технологик линияла но-ввойиларга мададкор бўлмоқда. Улар замонавийтех-ника ёрдамида ҳозирда 32 хилдан ортик кўпги ка-салликларга даво бўлувчи, тўйимли, шифобаҳиғи билан ички бозоримизда муносиб ўрин эгалла нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришмоқда.

ШОГИРДЛАРИ САҒИ ОШМОҚДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГИ ҲУНАРМАНД УСТАЛАР ОРАСИДА ТЕМИРЧИК СОҲАСИНИНГ МОҲИР, ЕТУК МУТАХАССИСИ СИФАТИДА МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҒЪАТ ДАРАҲАСИГА ЕТКАЗИБ ТАЙЁРЛАЁТГАН ТАШАББУСКОР, ИЗЛАНУВЧАН ТАДБИРКОР ВЛАДИМИР ПИЛИПКО АЛОҲИДА АЖРАЛ

Моҳир кўлли хунарманднинг бир-бирини тақрла-майдиган, аънанавийлик билан замонавийлик ўзе уй-ғунлашган темирчилик буюмлари: ажойиб манзарашф этган панжара, тўсин, шамдон, бра, қандиллари лаб бино, иншоотларга кўркамлик, файз бағишлаб турди.

Эътиборли томони, ушбу машаққатли хунармачи-ликнинг сир-синоатини Пилипко қизиқувчан ёврга эринмай ўргатмоқда. Кўп йиллар давомида индий ишлари кўргазма, ярмаркаларда намойиш этиб эл олқишига сазовор бўлаётган уста аънанавий ўза-лаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг туман, ҳар, республика босқичларида муваффақиятли қатниб, совриндор бўлган...

Муҳаббат ҲАБИБУЛОВА

Тадбирлар

БЎШ ВАҚТ КЎНГИЛИНИ ЎТМОҚДА

ЁШ АВЛОДНИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИДА ТАРБИЯ ҚИЛИШ, СПОРТНИ ЁШЛАР ОРАСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ САМАРАЛИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ҲАР ЙИЛИ ИЮНЬ-АВГУСТ ОЙЛАРИДА «ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!» ЛОЙИҲАСИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Лойиҳа доирасида маҳалла ёшларининг ёзги таътил давларини мазмунли, мароқ-ли ва фойдали ўтказиш мақсадида ҳар бир туманда «Камолот» кунини тадбири амалга ошириб келинмоқда. Шундай тадбирлардан бири Ҳамза туманидаги Бобур номли маҳаллада «Камолот» ЕИҲ туман бўлими, Бобур, Сивец ва Жалол Шаҳбозов номли маҳалла ва 149-мактаб раҳбарияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

— Бундай тадбирлар, — дейди Бобур ма-ҳалласи оқсоқоли Искандар Қурбонов, — ёшларимизни бирлаштиришга, уларда бир-дамлик жиҳатларини шакллантиришга ҳамда фаоллик ҳиссини ривожлантиришга кўмак-лашади. Бизнинг маҳалла ёшлари спорт-севар бўлганликларига сабабли тадбирнинг барча лойиҳаларида катта қизиқиш билан иштирок этиб голибчиликни кўлга киритди-лар.

Тадбир футбол, асфальтга расм чизиш, кувноқ стартлар, шахмат ва шашка бўйича ўтказилиб иштирокчилар ушбу йўналиш-ларда ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Бел-лашуев якунига кўра Бобур маҳалласининг болалари голиб деб топилди ҳамда ҳара-катнинг туман бўлими томонидан эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлар билан тақ-дирланди.

Тадбир сўнггида тадбир иштирокчилари ҳамда меҳмонлар учун «Кўчма кино» лойи-ҳаси доирасида кино намойиш этилди.

Мастураҳон ТОШПҲАТОВА



Туманларда

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ АВЖИДА

ЮРТИМИЗДА ТОБОРА ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМНИ ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН КУТИБ ОЛИШ УЧУН ҚИЗГИН ТАРАДДУД КЎРИЛМОҚДА. ХУСУСАН, МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИ, САРАНЖОМ-САРИШТАЛИГИ, ЙЎЛЛАРИНИНГ ТОЗА ВА РАВОН БЎЛИШИ ЙЎЛИДАГИ ИШЛАР КЎЛАМИ ТОБОРА ОРТМОҚДА.

Чилонзор туманидаги маҳаллаларда ҳам бугун катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари қўл урилган.

— Туманимизда жойлашган кўп қаватли уйлар олдидаги йўлақлар ва кўчаларни таъмирлаш ва яқка тартибдаги уйлардан иборат маҳаллалар худудидидаги кўчаларни таъмир-лаш юзасидан алоҳида дастур бўйича иш олиб бо-рилмоқда, — дейди бу тўғрида Чилонзор туман Оқсо-қоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Йўлдошхўжа Абдурахмонов. — Бунинг учун 560 мил-лион сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу маблағга 8900 тонна асфальт бетон қоришмаси олинди, 87 500 м² юзани таъмирлаш мўлжалланган.

Ҳозирги кунда туманда шаҳар йўл-қурилиш ва таъмирлаш бошқармасидан 6 та бригада иш олиб бормоқда. 49 та маҳалламизда таъмирлаш ишлари якунланиб, 16 тасида юмушлар давом этмоқда.

Мақсадимиз мустақиллигимизнинг 16 йиллигини мўлжалдаги барча ишларимизни поёнига етказиб, гулу даракларни оқлаб, бутун теварак-атрофни озо-далаб ёруғ юз билан кутиб олишдир.

Нозима АКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Чилонзор туманидаги маҳал-лалар кўчаларига асфальт ётқизиблиб мана шун-дай раван ҳолга келтирилган.



Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ:

ЎЗБЕКИСТОН — ФИДОЙИ ВА ҒАЙРАТЛИ ИНСОНЛАР ВАТАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Қоҳира-Тошкент йўналишидаги биринчи парвоздаёқ Мисрнинг етакчи сайёҳлик компаниялари вакиллари иборат делегация Ўзбекистонга келди. Унинг аъзолари Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида бўлиб, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти билан янада кенгроқ танишди. Сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, меҳмонхоналар бошқаруви йўналишида тажриба алмашиш каби масалалар муҳокама қилинди. Миср томони Ўзбекистонлик соҳа вакиллари билан малака оширишни ташкил этиш борасидаги таклифларини билдирди.

Миср ва Ўзбекистон қадимий цивилизациялар бешиги ҳисобланади. Мисрликларда Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларини, жаҳонга машҳур тарихий обидаларини ўз кўзи билан кўриш иштиёқи катта. Миср томони Ўзбекистонда аҳдодлар меросини тиклаш борасидаги ишларни юксак кадрлайди. Тошкент ва Қоҳира ўртасида ҳаво қатно-

ви йўлга қўйилгани икки томонлама сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилади.

— **Элчи хоним, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ривожига ҳақиқатда нима дея ола-сиз?**

— Маданият ва таълим соҳасидаги алоқаларимиз мамлакатларимиз тарихида қадимий. Мисрда дунёвий фанларнинг шаклланишида ва ривожланишида халқингизнинг Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний, Махмуд аз-Замахшарий каби буюк ўзбек мутафаккирларининг ҳиссаси беқиёс. Бундан ўн икки аср олдин буюк олим Аҳмад ал-Фарғоний Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчайдиган иншоот — микёси Нилни бунёд қилган. Нил водийсида зироатчилик жуда муҳим аҳамият касб этганини ҳисобга олсак, дарё сувида унумли фойдаланишда бу ускунанинг, демакки буюк ўзбек алломасининг хизмати беқиёсдир. Президент Ислол Каримовнинг Мисрда ташрифи асносида Нил дарёсидаги Рода оролида икки мамлакат халқларининг кўп асрлик илмий-маданий алоқалари

тимсоли сифатида ал-Фарғонийнинг ҳайкали очилгани тарихий воқеа бўлди.

Хозир Мисрнинг Тошкентдаги элчихонаси ҳузурда фан ва таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказда араб тилини ўргатиш кенг йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Миср Олий таълим вазирлиги Ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчиларни Миср университетларига юбориш учун стипендиялар ажратади. Улар бакалавр, магистр, фан доктори даражаларини эгалламоқда. Марказ турли кўргазмалар ташкил этиш орқали ҳам маданий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

— **Яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига истакларингиз.**

— Ўзбекистоннинг ушбу миллий байрамини ўзбекистонликлар билан бирга нишонлаётганимдан жуда бахтиёрман. Шу боис яқинлашиб келаётган байрам муносабати билан Ўзбекистон халқига энг эзгу тилларимизни изхор этаман. Ўзбекистон — фидойи ва ғайратли инсонлар Ватани. Миср араб дунёсининг маркази бўлганидек, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юрғи ҳисобланади.

ЎЗА мухбири
Элмурад ЮНУСОВ
сўхбатлашди

«Камолот»

«ЕТАКЧИЛАР МАКТАБИ» — ЁШЛАР МАКТАБИ

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА 21 ТА ЙЎНАЛИШНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН «ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН» ЛОЙИҲАСИ ПОЙТАХТ МАҲАЛЛАЛАРИДА, МАКТАБЛАР ҚОШИДАГИ ОРОМҒОҲЛАРДА, ШАҲАРДАН ТАШҚАРИ ОРОМҒОҲЛАРДА БЕШ ЙИЛДАН БЕРИ ЎТКАЗИЛИБ, МИНГ-МИНГЛАБ ЁШЛАРНИ ҚАМРАБ ОЛИБ, ЎЗ АТРОФИДА БИРЛАШТИРИШГА МУВАФФАҚ БЎЛМОҚДА.

«Камолот»-чилар ёз мавсуми давомида маҳалла ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий салоҳиятини ва диний саводхонлигини ошириш, компьютер билимлари ва чет тиллардан сабоқ бериш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатиш, қизларни пазандалик, тикиш-бичиш ва бошқа касб-хўнарга ўргатиш, ёши, ирки ва динидан қатъи назар, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган барча ўсимир-ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, улар орасида оммавий спорт ўйинларини кенг тарғиб қилиш, маданий-маърифий савиясини ошириш мақсадида турли тадбирлар, мусобақалар, давра суҳбатлари, ўқув курслари ҳамда семинарлар ташкил этилмоқдалар. Жумладан, яқинда Мирзо Улуғбек туманидаги 112-мактабда «Етакчилар мактаби» лойиҳаси ўтказилди.

«Етакчилар мактаби» ўз ичига бир нечта ўқув семинарлари, интерактив ўйинлар ва роликлар намойишини олган. «Камолот» ёшлар суяни» мавзусидаги ўқув семинари лойиҳа лидерлари томонидан пойтахтдаги мактаб қошида ташкил этилган оромғоҳ тарбияланувчиларига тақдим этилди. «Етакчилар мактаби»нинг 11 та аъзоси пойтахт мактаблари қошида ташкил этилган 42 та соғломлаштириш оромғоҳларида самарали фаолият юритиб келмоқда. «Етакчилар мактаби» раиси Шарқшунослик институтининг иқтисодий факультети 4-курс талабаси Сардор Маҳкамов ҳисобланади.

Катта муваффақиятга эришаётган ва ёшлар эътиборига сазовор бўлаётган «Етакчилар мактаби»нинг мақсад ва вазифалари «Камолот» ЕИҲ фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот бериш, ёшларни ҳаракатга жалб қилиш ва «Камолот»нинг фаол аъзоларига айлантириш, шунингдек, «Камолот»да ўз ўрнини топган ёшлар, сардорлар бир сўз билан айтганда, лидерлар фаолияти ҳақида маълумот бериш ҳамда уларнинг фаолияти ёритилган роликлар намойиш этишидир. Бу йўл орқали ёшларда ўз келажағида бўлган ишончнинг орттириб, уларни «Камолот»нинг ташаббускор аъзолари сафида бўлишга қақаришидир.

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ МАРКАЗЛАРИ

ҲОЗИРГИ КУНДА ЮРТИМИЗНИНГ ҚАЙСИ БИР БУРЧАГИГА БОРМАНГ ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ, ҲАТТОКИ, МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ҲАМ КОМПЬЮТЕРЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАНЛИГИНИНГ ҒУВОҲИ БЎЛАСИЗ.

Албатта компьютер технологиялари шиддат билан ривожланиб келаётган бир даврда уларда ишлаш оладиган юқори малакали мутахассисларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни замонавий касб-хўнарга ўргатиш, билимларини янада ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратиш орқали янгица фикрлайдиган ёшларни воғая етказиш имконияти туғилади. Зеро, улар келажақда биз таянадиган ижтимоий куч вазифасини бажаради.

Бунда ёшларнинг билим ва меҳнатидан тўғри фойдаланиш тизимини яратиш, уларга касб танлашда кўмаклашиш бирламчи масала ҳисобланади. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандларини компьютер саводхонлиги бўйича бепул ўқитиш учун икки ой давомда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши биносида компьютер ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, ҳозирга келиб, марказда 630 нафарга яқин кам таъминланган оила фарзандлари ўқитилмоқда.

Курслар сўнггида фаол қатнашган, компьютер дарсларини яхши ўзлаштирган ўқувчиларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан сертификатлар тақдим этилади.

Хуришд МИРЖАМОЛОВ, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси

ҲАР ЖИҲАТДАН ФОЙДАЛИ ПОЙИҲА

«ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН» ЛОЙИҲАСИ ПОЙТАХТИМИЗ ТУМАНЛАРИДА ҲАМ КЕНГ МИКЁСДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

Жумладан, Собир Раҳимов туманининг қатор умумтаълим мактаблари қошида ёзги оромғоҳлар ташкил қилиниб, ёш болакайларнинг таътилдаги вақтини сермазмун ҳамда янада мароқли ўтказиш мақсадида юқоридаги лойиҳа доирасида турли қизиқарли акциялар, кўма спорт ўйинлари, болалар истеъдодини намойён этишга қаратилган тадбирлар уюштирилмоқда. Туманда ташкил этилган «Кўёшжон» (242-мактаб), «Нихол» (134-мактаб), «Оймома» (323-мактаб), «Қалдирғоч» (315-мактаб) мактаб оромғоҳларида навбатдаги тадбирлар тизими бўлиб ўтди.

«Дунё болалар тизими» акциясида иштирок этган болалар асфальт йўлларга ўз дунёқарашлари асосида бири-бирдан гўзал расмлар чизишди. «Ёш мусаввир ижоди» танлови ҳам болаларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, «Спорт — соғлиқ гарови» шiori остида ташкил этилган қатор кўма спорт ўйинлари болакайларнинг шодон кайфияти ҳамда шижоати уйғунлиги асносида ўтди. «Камолот» ЕИҲ Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши томонидан айна ёзги таътил вақтида ташкил қилинаётган тадбирлар таътилни унумли ва мазмунли ўтказиш билан бирга болаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, миллий урф-одатлар ҳамда маданиятимизга бўлган фахр туйғусини уйғотишга, ёш қалбларда Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, фидойиликни шакллантиришга қаратилган бўлиб, тумандаги ёш болаларда кўтаринки кайфиятда дустона мусобақалашувга бўлган иштиёқларини оширмоқда.

Фахриддин ХУРРАМОВ, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси

ВЕБ-САЙТЛАР ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА РЕСПУБЛИКА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА АЛОҚА АГЕНТЛИГИ, КОМПЬЮТЕР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ UZINFOСOM МАРКАЗИ, INFOСOM.UZ ЖУРНАЛИ ҲАМКОРЛИГИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 АВГУСТДАН 28 СЕНТЯБРГАЧА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «UZ» МИЛЛИЙ ДОМЕНИ ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мамлакатимизда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, Ўзбекистон давлат ва халқаро, жамоат ташкилотлари диққатини ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ривожлантиришга самарали восита сифатида қаралаётган Интернет тармоғига жалб қилиш, ОАВ Интернет веб-сайтлари ваколлатхоналарини кенгайтириш йўли билан очик жамятини шакллантириш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу фестивал ҳам фуқароларимиз орасида жаҳон ахборот ресурслари ва интернет тармоқларидан фойдаланишга эҳтиёжларининг ўсиб бораётганини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда ахборот

технологияларини ривожлантириш мақсадида ташкил қилинган. Бугунги кунда Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 1 миллион 835 мингга яқин, яъни республикаимиздаги ҳар 1000 аҳолига 69 фойдаланувчи тўғри келади. Халқаро ахборот тармоғига кириш умумий тезлиги бир сонияда 239.144 Мбит/ни ташкил этса, интернет тармоғига кирувчи субъектлар сони 693 бўлиб, ундан 579 пункти жамоавий фойдаланувчиларни ташкил қилар экан.

Фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — UZ доменини ривожлантириш, интернет тармоғига энг яхши миллий ресурсларни жалб қилиш, жамят-

да ахборот маданиятини ошириш, интернетни таълим, маданият ва бизнес соҳаларига кенг тартибда этишдан иборат. Танловга оммавий ахборот воситалари, вазирликлар, идоралар, олий ўқув юртлари, касб-хўнара коллежалари, мактаблар, санъат ва маданият, спорт ҳамда ёшларга оид веб-сайтлар билан 15 номинация бўйича қатнашди.

Тадбирда сўз олганлар ушбу фестиваль иккинчи бор ўтказилаётган бўлишига қарамай, унинг ижтимоий самараси кўзга ташланаётганини, ҳозирда Ўзбекистонда 4,5 мингта веб-сайтлар рўйхатга олинганини эътироф этишди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

АБДУЛЛА ҚОДИРИ НОМИДАГИ МАДАНИЙ ВА ИСТИРОҲАТ БОРИД ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «БУ БАЙРАМ - БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ!» МАВЗУИДАГИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳамда Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, нурунийлар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислол Каримов раҳнамолигида асрларга таътигулик ўзгаришлар амалга оширилгани ва ушбу ўзгаришлар самаралари бугунги кунда ҳар бир ватандошимизнинг тақдирида ўз ифодасини топаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан гўзал ва обод масканга айланган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бир неча олий, ўрта махсус, касб-хўнара билим даргоҳлари, ўнга яқин маҳалла, шиоо масканлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, «Маънавият ва маърифат» маркази жойлашган. Бу ерда ёшларнинг пухта билим олиши баробарида мазмунли ҳордик чиқариши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча шароит мавжуд.

Тадбирда ижрочи ёшлар иштирокидаги музикаий дастур намойиш этилди.

(ЎЗА)

Қонунларимизни ўрганамиз СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

МАЪЛУМКИ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ЖАМИЯТ РИВОЖИ, ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДАГАН МЕЪРИЙ ҲУҲУДЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА ЕТКАЗИШНИ ТАҚЗОСО ЭТАДИ.

Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг «Улим жаозосини бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олиш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунлари мазмун-моҳиятини ижрочилар ва аҳолига етказиш ҳамда тушунтириш бўйича республикамиз бўйлаб минтақавий ишчи гуруҳлари тузилган.

Сергели тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишда ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган масалаларга эътибор қаратилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Сергели туман ҳокими М.Абдуллаев мазкур қонунларнинг, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотларнинг аҳамияти хусусида атрофлича тўхталиб ўтди. Шундан сўнг Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Хайратдин Файзиёв, киноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси Комилжон Юсупов, Тошкент шаҳар прокуратураси прокуратура органларида терговни назорат қилиш бўлими прокурори Абдулла Исломовларнинг мавзуда дахлдор маърузалари тингланди.

Юқоридаги мавзулар доирасида қатнашчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар қайтарилди. Келгусидаги ишлар режаси белгилаб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СУВ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Энг азиз, энг улуг байрамимиз — Мустақиллигимизнинг тантаналари яқинлашгани сари шаҳримиз таърифига сизмас даражада гўзаллашиб кетади. Шундай кезларда беҳиштиёр шаҳар кезгинг, жаннатмакон сўлим хиёболларда, оромбахш фаворалар бўйлаб кетган майсазор майдонларда бир зум ўлтириб, хордик чиқаринг келади. Каминча ҳам шундай фараҳбахш кунларни одамлар билан гавжум, соя-салқин масканларда ўтказишни дилдан ёқтираман. Шу одатимга бинаоан бугун ҳам яна сайилга чиқдим. Анча-мунча йўл юриб, охири пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бирига келиб қолибман. Атрофдаги ўзгаришлар, янгиликларни кўриб кўнглимгиз янашайди, кўзинг қамашади. Майдон кўрки бўлган фавораларга бир зум термулиб хаёлга толаман. Қатор кетган фавораларнинг жилваланиши, улардан таралаётган камалак рангининг жиполалишига, соққин сув зарраларининг дам олувчиларга ҳузур бағишлашига маҳлиё бўлиб тургандим шу атрофдан ўтаётган уч-тўрт на-

ган чорани бу гадо қаердан билсин, — дебди ҳукмдор дарвешни назарига илмай, қаҳр билан мулозимларига.

— Эй ҳукмдорим, мендек кимсасиз бир гадога на тожу тахт, на давлат керак. Кўп юртларни кездим. Бир неча бор уйландим. Лекин аёлларимнинг биронтасидан фарзанд кўрмадим. Охири тарки дунё қилиб, дарвешликни ўзимга эп кўрдим. Умр буйи тирноққа зор бўлиб ўтаётганим учун зора сизнинг яқин қаю ягонангизнинг дардига дармон бўлсаму, сиз фарзанд доғини кўрмасангиз, деб олдингизга бош эгиб келдим.

Дарвешнинг бу сўзидан ҳукмдор хайратда қолибди. Дарҳол уни хаста қизининг қошига йўллашларини буюрибди. Дарвешни қиз ётган қасрга олиб киришибди. Кун деса кўзи, ой деса юзи бор қиз кўкка қараганича бемаҳул ётганиши. У ора-чора оғзида фақат «сув» деган сўзни такрорлаётди. Бу сўзни эшитиш билан энагалар дарҳол унинг оғзига сув тутаришди. Дарвеш қизнинг ҳолатини кўриб: — Бу касалнинг давоси сув, — дебди. —

сизми? Буларнинг ҳаммасини ичсангиз ичингиз дорихона бўлиб кетадику.

— Ким билсин. Ҳаммасини мутахассислар кўриб-билиб ёзиб беришган.

— Мен сизга рози бўлсангиз зарур бўлганларини бераман. Қолаверса, бу дориларнинг кўпчилиги қимматбаҳо, ҳамбингиз кўтармас керак.

Розилик билдирдик. Саралаб олганимизда ҳам аллақанча пул тўлашимизга тўғри келди. Биргина урологининг ўзи уч хил дори ёзиб бериб таъкидлади.

— Мана шу дориларни мунтазам икки ой ичасиз. Кейин менга учрашасиз. Шунга қараб иш қилимиз.

— Касалим шунчалик оғирми? — сўрадим мен хавотирлиб.

— Йўқ, унчалик эмас. Лекин бу бошланиши. Агар олди олинмаса, кейин сизни қийнаб қўйиши мумкин.

Нима ҳам дердик. Шиофорк олиб айта-ди-да. Демак, у лозим топдим, шу дорини олиш керак.

ГАП ЭҒАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Унга ҳеч қандай дори-дармоннинг кераги йўқ. Шундан кейин у қизни ҳар кунги уч маҳал муздек сувда чўмилиштириш кераклигини маслаҳат берибди. Биров бу сўзга ишонибди, биров ишонмабди. Чикмагани жондан умид кўтиб дарвеш айтган мулоажани бошлашибди. Биринчи кунийк қиз кўзини очибди. Иккинчи кунги тилга кирибди. Учинчи кунги оёққа турибди. Хуллас бир ҳафтада малика бутунлай соғайиб кетибди.

— Ҳукмдорим, — дебди дарвеш унинг ҳузурига олиб кирганларида. — Сиз қизингизга шохона каср курдирибсиз, лекин унинг ҳовлисига ховуз, ўртасига эса фавора бунёд этишни унутибсиз. Агар қизингиз ҳар кунги анча шу ховузга чўмилиб, кечки пайтлари ўйноқи фаворанинг осмонга сув отишини кузатиб ўтиргананда у ҳеч қандай касалга чалинмасди. Билингки, ҳар қандай касалнинг боши асаббузарлик. Асаббузарлиқнинг давоси эса сув. Кечқурун бир соат сув жиросига тикилиб, ундан баҳра олиб ўтирган одамнинг танасига касал ораламайди.

Уйлаймики, бу гапга изоҳининг ҳоҳати йўқ. Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўзига хавола.

ҲЕЧ КИМНИ ЁТГУЛИК ҚИЛМАСИН

Уч-тўрт кун тобимиз қочиб, ётиб олдик. Ишқилиб ҳеч кимни ётгулик қилмасин экан-да. Айнакча туппа-тузуқ оёқда юриб турган одам ётиб қолса ёмон бўларкан. Шиофоркларга мурожаат қилишимизга тўғри келди. Ўзимизга қарашли поликлиникага бордик. Текширув бошланди. Касаллик сабабини аниқлаш учун уч-тўрт кун шиофхонага қатнашимизга тўғри келди. УЗИГА тушдик, қон топшидик, кардиограмма қилиб кўришди. Қарангки, бир эмас, уч-тўрт хил касалимиз бор экан. Кардиолог, невролог, ва ниҳоят уролог, бизга лозим бўлган дори-дармонларни керагича ёзиб беришди.

Биринчи кирган дорихонаимиздаги сотувчи доришунос рўйхатни кўздан кечириб туриб сўради.

— Вой-бу мунча кўп. Қимга бу дорилар?

— Ҳаммаси бир қишга, ўзимизга, — дедим мен.

— Бир кунда шунча дорини ичиб улгура-

Оз-оз ўтганиб домо бўлар...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ Аҳмад ЮГНАКИЙ ХИКМАТЛАР

Улуғлар не берса, емасман дема, Қўлинг чўз, оғиз ур, емасанг-ема.

Агар булут бир томчи сув ҳадя қилса ҳам, денгиз оз ёки кўп демай тўлқинланаверади.

Билимдан сўзлайман — сўзимни эшит: Билимли кишига ўзи яқин тут. Билимдан очилар саодат йўли, Билим ол — саодат манзилига ет.

Билимли олтиндек ҳар ерда устун, Билимсиз мисоли қуриган ўтин. Билимли — билимсиз қачон тенг бўлар? Билимли хотин — эр, жоҳил эр — хотин.

Суяк — илгир эр — билим билан, Суяк кўрки — илик, эр кўрки — ақл. Билимсиз иликсиз суякдай бўм-бўш, Иликсиз суякка узатилмас қўл.

Билимдан эр киши бўлди белгилик, Билимсизга тирик ўлмок кўргулик. Билимли ўлса-да оти ўлмайди, Билимсиз ҳаёту оти-чи — ўлик.

Битта билимли минг билимсизга тенг, Билимли билади билим қадрин денг. Энди ўзинг боқиб, уқиб, синаб кўр: Билим фойдасига нима келар тенг?!

Олим юксалади билими билан, Билимсиз кишилар бўлади тубан. Билимли бўл, сира эринма, Расул — Ким билимли бўлса, улуғланг деган.

Билимли билимни фарқлаган бўлар, Билимнинг қадрини билимли билар. Эрга билим қадрин билим билдирар, Билимни билимсиз нодон не қилар?

Билимсизга ҳақ сўз татимас ҳеч ҳам, Пандга улоқ тутмас билимсиз одам. Ювинса пок бўлар ҳар қандай нопок, Жоҳил пок бўлмайди минг ювинса ҳам.

Қулоқ тут — билимли нималар даяр: Адаб боши — тилин тийишлик бўлар. Тилингни тийиб юр, тишинг синмасин, Тилингни тиймасанг, тишинг синдирар.

Билимли не қилар — билади тайин, Билиб қилгандан ўқинмас кейин. Билимсизга ҳар иш тўғри кўринар, Шундан унга чора йўқ ўқинмайин.

Билимли керакли сўзин гапирар, Кераксиз сўзини кўмиб яширар. Билимсиз не деса, уқмасдан даяр, Унинг ўз тили ўз бошини еяр.

Ҳақни танишга ҳам керак маърифат, Билимсизликда йўқ ҳеч эзгу ҳижат. Билимсизлигидан кўп қавмларга Қўлини бут қилиб, сифиниш одат.

Билимли сўзи панд-насихат, адаб. Билимлини мақтар Ажаму Араб. Билим фақир учун туганмас бойлик. Ҳисобсизга билим ечилмас ҳисоб.


Ақлли бўларми тили бўш киши? Кўп бошлар кетди — бу бўш тилинги иши. Киши тилини топ, ўқикширма, Ўқ яраси битар, битмас тил ниши.

Ўйлаб сўзлаганин сўзи ҳақиқат, Ёмон тил ўзинга душман бешафқат. Сўзга эҳтиёт бўл, тилин тийиб юр, Тийиксиз тил бошга келтирар офат.

Кишига не келса, тилидан келар, Тилин киши яхши-ёмонлик кўрар. Қулоқ тут бу пандга — у барчага тенг, Ким уни дилга жо қилар, юинар.

Тилиннга эрк берма, қисқа қил сўзинг, Тилин тийиб юрсанг, омонсан ўзинг. Расул дер: кишини ўтга ташлар тил, Тилни тий, бу ўтдан халос қил ўзинг.

Ким икки нарсдан эмасдир холи, Ёпилгайдир унга мурувват йўли. Бириси — беҳуда вайсаса тинмай, Бириси — кўп ёлгон сўзласа тили. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



ТАБИАТНИНГ СЎЛИМ, ХУШМАНЗАРА ГЎШАЛАРИДАГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲЛАРИДА МИРИҚИБ, МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛАЁТГАН АЗИЗ БОЛАЛАРНИНГ БЕҒУБОР, МАЙИН ТАБАССУМИ КИШИНИ ҚУВОНТИРАДИ. АЙНИҚСА, БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ГЎЗАЛ, АҚЛАН ЕТУК БЎЛИБ КАМОЛ ТОПАЁТГАНЛИКЛАРИ НУР УСТИГА АЪЛО НУРДИР.

Бўстонлик туманининг танга роҳат, дилга ором берувчи баҳаво, гўзал Оқтош худудидаги «Хондайлик» қишлоғида жойлашган «Технолог» очик акциядорлик жамиятининг «Радуга» болалар соғломлаштириш оромгоҳида оромгоҳларора аънаввий спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги байрамига бағишлаб ўтказилган бундай спорт байрамлари албатта ёш авлодининг соғлом, жасур, ҷаққон, жисмонан кучли бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Спартакиада ўзининг мурасасизлиги, ҳис-ҳаяжонга бойлиги ва дўстона руҳда ўтганлиги билан эътиборга лойиқдир. Дастлаб мусобақалар Соёлик қишлоғида жой-

Ёз — ўтмоқда соз!

«РАДУГА»ДА БИР КҮН

лашган «Семурғ» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилди.

Хондайлик қишлоғи худудидаги «Радуга», «Нурафшон», «Зилола», «Автомобилчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ўртасида спортнинг волейбол, мини футбол, енгил атлетика, арқон тортиш турлари бўйича кизикарли бахслар бўлиб ўтди. 17 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида мини-футбол, қиз болалар, ўғил болалар иштирокида енгил атлетиканинг 60 метр масофага югуриш, жойдан сакраш, теннис коптоғини улоқтириш ва арқон тортиш бўйича бахслар кизикарли ва шиддатли ҳамда кичик томошабинларнинг ўз оромгоҳлари жамоаларини кизгин қўллаб-қуватлаб, олқишлари садолари остида ўзига хос спорт байрами руҳида ўтди. Умумжамоа ҳисобида «Ўзбекистон» очик акциядорлик жамиятининг «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг терма жамоаси голиб чиқиб, биринчи ўринни, «Тошшаҳар-трансхизмат» уюшмасининг «Автомобилчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг терма жамоаси фахрли иккинчи, спартакиада мезбони — «Технолог» очик акциядорлик жамиятининг «Радуга» болалар соғломлаштириш оромгоҳи вакиллари учинчи ўринларни эгалладилар.

— Мусобақадаги энг муҳим натижа менимча, ўйинларнинг дўстона руҳда ўтганлигидир. Болаларнинг рақиб жамоа вакиллари билан яхши, самимий муомаласи, мусобақалар шиддатли ўтган бўлсада, ўзаро ҳурматини сақланганлиги қувонарлидир, — дейди манмуният билан «Радуга» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Александр Ни.

Ғолиб ва совриндорларга Тошкент шаҳар қасаба уюшмаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Кенгашининг I, II, III даражали дипломлари ҳамда эсдалик совғалари, жамоаларга кўчма кубоклар топширилди.

12 гектар худудни эгаллаган, соя-салқин «Радуга» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг ям-яшил майдончаларида турли буюмлар, жониворлар шакллари ясаётган болалар эътиборимизни тортди. «Мен Музаффар Муслимбеков Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманидаги 223-мактабда ўқийман, — дея ўзини таништирди ёқимтойгина бола табассум билан. — Оромгоҳ менга ёқди. Наҳш тўғарагига қатнашаман. Кутубхонада китоблар ўқийман. Лойдан ўйинчоқлар ясайман. Зерикамайман. Дўстлар орттирдим».

— Режа асосида ҳар бир кунда бирор

тадбир ўтказиш учун ҳаракат қиламиз, дейди оромгоҳ катта етакчиси Татьяна Кркова. — Масалан, қизлар ўртасида спс рақслари, ўғил болалар ўртасида эса г рамидо қуриш танлови ўтказилиб, барча катта кизикчи уйғотди. Болалар енгил летикиа, футбол, волейбол, баскетбол, қиз ш ҳамда «Қувноқ» спортлар мусобақаларида фаол қатнашадилар. Айниқса, орс гоҳда болалар севадиган кўрик-танг «Ўзбекистон кучи» бўлиб, расмлар чизиди, урф-одатлар, меҳмон қутиш мароми, рақсга тушиш каби ўзбекона рас русумлар, миллий қадриятлар, тарихни қилиш бўйича болалар билимларини сини дилар, албатта ўзбекча либос кийган т ли миллат фарзандларининг иштироки с фазй бўлиб, дўстлик, қардошлик, ват парварлик руҳида болаларни тарбияла хизмат қилади.

— «Моҳир қўллар» тўғараги раҳбарим — дейди Галия Ишмухамедова. — Ҳар к тўғаракка 50 нафар бола келиб ўзлари с ган машғулотга қатнашадилар. Ижод лик уларни келгусида касб ёки ҳунар э си бўлиб етишишига хизмат қилиши ш шубҳасиздир.

— Кутубхонамизда 8 минг нусхадан ор бадий, илмий-оммабоп китоблар бў: 140 нафар китобхон бор. Ҳар кун кут хонага 40 нафар бола китоб муто қилишга келади, — дейди кутубхона му ри Фаридо Ҳўжаева.

Улугбек ПЎЛАТ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ ОРТИБ БОРИШИ БИЛАН ЧЕТ ЭЛЛИК МУТАХАССИСЛАРНИНГ ДИЁРИМИЗГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШИ ЯНАДА КУЧАЙДИ. САЙЁҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАРДАН КЎПЧИЛИК БАХРАМАНД БЎЛМОҚДА.

Биз ва жаҳон

САЙЁҲЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Зеро, туризм ўзаро алоқаларни йўлга қўйишда муҳим воситага айланди. Бунда «Ўзбеки туризм» миллий компаниясининг туган ўрни катта бўлмоқда. Бу нуфузли ташкилот тузилганига ҳам 15 йил тўлди. Ўтган шр вақт ичида компания фаолияти янада кенгайди. Эндиликда у жаҳон туристик ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Бугунги кунда Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент каби қадимий ва гўзал шаҳарлар хорижий сайёҳларнинг сеvimли маскани бўлиб қолди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда туризм соҳаси бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича катта тажриба тўпланди. Вазирлар Маҳкамасининг махус қарори билан Тошкент Давлат иқтисодиёт уни-верситетида халқаро туризм факультети очилди. Бу ерда тайёрланаётган кадрларни чет эллик сайёҳлар давраларида учратамиз.

Бундан ташқари Тошкент, Самарқанд ва Бухорода туризм касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда.

Акбар АЛИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ОТАЖ «А.Иброҳимов номи Тошкент чини заводи»нинг солиқ холимига аиққатиға!

Тугатиш бошқарувчиси ОТАЖ «А.Иброҳимов номи Тошкент чини заводи»нинг солиқ холимига аиққатиға! 2005 йил 25 декабрда бўлган иш ҳақи пулларини олиб кетишлари лозимлигини билдирди. Иш ҳақи пуллари ҳар кун соат 15.00 дан кейин ОТАЖ «А.Иброҳимов номи Тошкент чини заводи»нинг эски маъмурият биносида берилди. Манзил: Тошкент ш. Сағбон кўчаси, 30-берк кўча, 8-уй. Ўзингиз билан паспорт ёки олувчи номинга нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома бўлиши шарт.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 155-60-36, 185-05-18

Футбол

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

ХИТОЙДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРНИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ.

Кунги кеча Хитойнинг «Шандонг» жамоаси билан куч синашган ҳамюртларимиз устунликка эришиб рақибларини 2:0 ҳисобида доғда қолдирди. Санъат Шихов ва Шерзод Каримовлар томонидан хитойликлар дарвозасига киритилган иккита гол ҳамюртларимизга ғалаба келтирди.

Дастлабки беллашувда Жанубий кореялик тенгдошлари билан беллашган ҳамюртларимиз 3:2 ҳисобида зафар

ЮРАК ХАСТАЛИГИДА БАЪЗИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИШ

КЕРАКЛИгини КЎПЧИЛИК БИЛАДИ. ЛЕКИН ЎЗИНИ ҚАТТИҚ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИШ ҲАМИША ҲАМ ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИМИ? ТИББИЁТ ФАНАЛРИ НОМЗОДИ М. МИРШАРИПОВ ШУ ҲАҚДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

● Инфаркт касаллигини бошидан кечирган беморлар икрани истеъмол қилишлари мумкин эмас, деб ҳисоблашади...

Бу — чиндан ҳам ҳақиқат. Икрада ҳаддан зиёд миқдорда холестерин моддаси бўлади. Аммо денгиз маҳсулотларидан бутунлай юз ўғиринг ҳам мақбул эмас. Агар ўзингизни сийламоқчи бўлсангиз — моллюскалар (мидиялар, денгиз тожи) сизга жуда тўғри келади. Зеро, уларда тўйинмаган ёғлар кўп миқдорда бўлади ва бу ёғлар дори вазифасини ўташи ҳам мумкин.

● Сариеғдан бутунлай воз кечиб, ўсимлик мойига ўтиш керак, деган фикр юради...

Қон босимингиз жуда юқори бўлган тақдирда бу гапга амал қилишга тўғри келади. Агар қон босимингиз муайян чегарада чекланган бўлса, сариеғ, қаймоқ, сидиринг олинган сунтинг юза қатлами таркибиде катта миқдорда ёғ моддаси бўлишига қарамай, уларни муайян миқдорда истеъмол қилиб туриш керак. Чунки улар организмга жуда зарур моддалардан ҳисобланади.

Масалан, кунига 20 грамм миқдорда сариеғни ҳеч иккиланмай истеъмол қилаве-

кучишганди. Шуниси эътиборлики, рақиблар дарвозасига учта тўпни Санъат Шихов йўллаганди.

Энди юртдошларимиз эронлик ёш чарм тўп усталарига қарши майдонга тушишди.

Бокс

ИЮЛЬ ОЙИНИНГ ЭНГ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАРИ

ХАЛҚАРО БОКС АССОЦИАЦИЯСИ (WBA) ТОМОНИДАН ИЮЛЬ ОЙИНИНГ ЭНГ КУЧЛИ БОКСЧИЛАРИ РЎЙХАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Шуниси қувончлики, унда WBA йўналишининг ўта оғир вазинда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган ҳамюртимиз Руслан Чагаев июль ойининг энг кучли боксчиси сифатида эътироф этилган.

«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати

ЮРАК ХАСТАЛИГИДА ПАРҲЕЗ

ришингиз мумкин. Лекин бу ёғда овқатни қовуриб ейиш мақбул эмас.

● Макарон ва нон маҳсулотларидан бутунлай воз кечиш лозим, чунки улардан киши семириб кетади, семириш ва танани ёғ босими гипертония хасталигини келтириб чиқаради...

Фақат бир шарт билан макарон ва нон танани ёғ босишига олиб келади, деган гапга қўшилмаслик мумкин: сиз уларни кўп миқдордаги сариеғ ва қолбаса билан қўшиб емаслигингиз керак.

Бу маҳсулотлар қуввати анча паст бўлса-да углеводларга бой бўлади. Қиёслаб кўрингиз: 1 грамм углеводнинг ёниши 4 ккал, 1 грамм ёғнинг ёниши — 9 ккал, алкоғолнинг 1 грамми 7 ккал энергия беради.

● Тухумда зарарли холестеринни организмдан чиқариб юборувчи модда мавжуд бўлиб, шунинг учун уни хоҳлаганча истеъмол қилиш мумкин экан...

Ҳақиқатан ҳам тухум сарифида қон томирлари деворларига чўкиб қолган холестеринни танадан чиқариб ташлашга хизмат қиладиган моддалар — лецитин, фосфолипидлар бор. Аммо марказ етакчи мутахассисининг айтишича, ҳатто атеросклероз хасталиги аломатлари бўлмаган тақдирда ҳам киши ҳафтасига 3 донадан ортик тухум истеъмол қилмаслиги керак. Бунда яна тухумни ёғлар (майонезлар) билан

эмас, балки сабзавотлар, нон, бўтқа, макарон билан қўшиб еган маъқул.

●Юраги касал беморлар кофедан воз кечишлари керак...

Кофени мунтазам истеъмол қилувчи кишиларда бир пиёла кофедан кейин артериал қон босими кўтарилиб кетмайди. Мунтазам кофе истеъмол қилувчилар, агар кунига 5 кофе чашкасидан ортик кофе ичмашса, гипертониядан хавотир олмаслар бўлади.

● 40 ёшдан кейин ҳамма парҳез қилиши керак...

Қон босими ва холестерин даражаси жуда юқори бўлмаган кишиларда кам тузли ва кам ёғли парҳез уларни нормага келтиришга ёрдам беради. Лекин бундан ташқари жисмоний фаоллик ҳам талаб этилади. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар жисмоний фаоллик билан қўшиб олиб борилган парҳез дори-дармонларсиз холестерин даражасини пасайтирганлигини кўрсатди.

Фақат парҳезнинг ўзи ҳам холестеринни камайтирган, аммо бу анча кам миқдорни ташкил этган. Мабодо, қон босими ва холестерин даражаси жуда юқори бўлса ҳар қалай, парҳезга риоя этишингизга тўғри келади, чунки бусиз шифокор сизга тайинлаган дори-дармонлар таъсири сезиларли бўлмайди.

Боз устига, кишининг ёши ҳам хавфли омиллардан бири ҳисобланади — яъни 40 ёшдан сўнг муаммолар кескинлашиши мумкин. Юракка фойдали маҳсу-

лотлар: Ёнғоқ ва хамиртуруш, гар, буйрақлар, ўсимликнинг яшил барглари В-Ҳ-Ҳ-Ҳ витаминлар маъ бўлгани учун атеросклерознинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва моддалар-машинувига ижобий таъ этиди.

Резаворлар ва сабзавотлар, мевалар, крупалар улик толалари — клетчаткага эга бўлиб, улар организмдан ортикча холестеринг чиқариб юборилишига ву йўл билан атеросклероз олди олинишига ёрдамради.

Тарвузлар, шунинг, гречка, сули томирли кенгайтириб, пешобни довчи хусусиятга эга бун магний моддасига бой бди.

Ёғлар холестеринлар-машинувига ижобий таъ этувчи тўйинмаган ёғ киталарининг асосий маи ҳисобланади.

Қалмарлар, шунинг, мидиялар, денгиз карага атеросклероз хасталиа моддалар алмашинувига т-бий таъсир этувчи йод т-даси бўлади.

Қалампир ва олма, уки, наъматак, облепиха, см-динада қон томирлари-ворларини мустаҳкамловС витамини бўлади. Ловия, шунингдек, э, ўрик, қора олқўри, нўжа ортикча суюқликни танин чиқариб юбориб, юрак-шаклари фаолияти яхша-нишига хизмат қилувчи ий моддаси мавжуд.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилмиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 МУАССИС ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г-706

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шар» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.